

Расулев А.Ф.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси
профессори, иқтисод фанлари доктори;

Мамбетжанов Қ.Қ.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИНГ ПОЙДЕВОРИ СИФАТИДА¹

**РАСУЛЕВ А.Ф., МАМБЕТЖАНОВ Қ.Қ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ИҚТИСОДИЙ
ФАНЛАРНИНГ ПОЙДЕВОРИ СИФАТИДА**

Мақолада иқтисодиёт назариясининг миллий ҳисобчилик тизими контекстида бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси муаммолари таҳлил этилган. Муаллифлар иқтисодиёт назариясининг иқтисодий фанлар ўртасида устуворлигини эътиборга олиб, бир неча илмий йўналишларни таклиф этишган.

Таянч иборалар: иқтисодиёт назарияси, янги институционал иқтисодиёт, неoinституционализм, эволюцион иқтисодиёт, миллий ҳисобчилик тизими.

**РАСУЛЕВ А.Ф., МАМБЕТЖАНОВ К.К. ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ КАК ФУНДАМЕНТ
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ НАУКИ**

В статье рассматриваются проблемы взаимосвязи экономической теории с различными экономическими дисциплинами в контексте с системой национальных счетов. Учитывая, что экономическая теория является важнейшим приоритетом среди экономических дисциплин авторами предлагается в рамках данной теории целесообразность формирования ряда научных направлений.

Ключевые слова: экономическая теория, новая институциональная экономика, неoinституционализм, эволюционная экономика, система национальных счетов.

**RASULEV A.F., MAMBEJTANOV K.K. ECONOMIC THEORY ON THE CUSP OF AN
ECONOMIC SCIENCE**

The article discusses the relationship between economic theory with different economic disciplines in the context of the system of national accounts. Given that economic theory is the most priority among economic disciplines authors propose in the framework of this theory, the feasibility of the formation of a number of scientific direction.

Keywords: economic theory, the new institutional economics, neoinstitutionalism, evolutionary economics, the system of national accounts.

¹ Ушбу мақола мушоҳада учун тақдим қилинган.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлар уларнинг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларини ўргатувчи бир қатор илмий йўналишларда кўрсатиб берилган мезонлардан кўра реал ҳаётда анча мураккаб ва кўп қиррали таркибий тузилмага эга бўлган тизим ҳисобланади.

Тадқиқодчилар фикрича, иқтисодий соҳадаги барча илмий-ўқув йўналишларни (демак, тегишли фанлар ҳам) шартли равишда 3 та гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Умумиқтисодий тавсифга эга бўлган илмий-ўқув йўналишидаги гуруҳ.
2. Махсус иқтисодий йўналишдаги гуруҳ.
3. Тармоқлар бўйича йўналтирилган гуруҳ.

Биринчи гуруҳга иқтисодиёт назарияси, иқтисодий тарих, иқтисодий таълимотлар тарихи каби йўналишларни киритиш мумкин. Ушбу гуруҳ илмий-ўқув йўналишлар орасидаги энг кичиги, лекин бошқаларига нисбатан анча кенг, фундаментал ва методологик ролни ўйнайдиган йўналиш ҳисобланади. Ушбу гуруҳ таркибига кирувчи фанларда ижтимоий такрор ишлаб чиқариш амал қилиши ва ривожланишининг умумиқтисодий қонун ва қонуниятлари ўрганилади ҳамда тадқиқ қилинади. Айнан шунинг учун ҳам ушбу гуруҳга умумиқтисодий тавсифга эга бўлган йўналиш, деб ном берсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи гуруҳга ижтимоий-иқтисодий тизимларни тўлалигича эмас, балки унинг айрим қисмлари, унсурлари ва бажарадиган вазифаларини чуқур ўрганадиган фанларни киритиш мумкин. Ушбу гуруҳ ўз ичига менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, статистика, молия, кредит, банк иши ва шу каби бир қатор илмий-ўқув йўналишларини қамраб олади.

Учинчи гуруҳга қандайдир бир тармоқ амал қилишининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини тадқиқ қиладиган тармоқлар кесимидаги илмий-ўқув йўналишлари киради. Маълумки, ҳар хил даражадаги иқтисодий фанлар бир-бири билан чамбарчас боғланган. Жумладан,

Ўзбекистон иқтисодиётини самарали ривожлантиришнинг назарий асослари сифатида «Минтақа иқтисодиёти» фанининг аҳамияти жуда каттадир. Бу минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда уларнинг табиий-иқлимий, экологик ва хўжалик юритиш шароитларининг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиётини самарали ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини яратишда «Иқтисодиёт назарияси» ва «Минтақа иқтисодиёти» фанлари жуда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ушбу илмий-ўқув йўналишлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. «Иқтисодиёт назарияси» ва «Минтақа иқтисодиёти» фанлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини чуқур таҳлил қилиш учун қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги кунда макроиқтисодий концепцияга асосан замонавий бозор иқтисодиёти амал қилишини миллий даражада назарий жиҳатдан намоён қилиш учун ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган 5 та субъект фарқланади: булар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, давлат, ижтимоий институтлар ва хорижий субъектлардир. Шунга асосан миллий ҳисоблар тизими (МХТ) нинг халқаро андазаси бўйича иқтисодиёт субъектлари ўзларининг ҳатти-ҳаракатига қараб қуйидаги олтита секторга бирлашади:

1. Номолиявий ташкилотлар сектори.
2. Молиявий ташкилотлар сектори.
3. Давлат бошқарув муассасалари сектори.
4. Уй хўжаликлари хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.
5. Уй хўжаликлари сектори.
6. Ташқи иқтисодий алоқалар сектори («Ташқи дунё» билан иқтисодий алоқалар).

Секторлардан энг муҳими номолиявий ташкилотлар сектори ҳисобланади. Улар даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи иқтисодиётнинг бирламчи бўғинларидир. Ушбу сектордагилар иш юритиш учун ўз капитали ёки қарз олинган капитални ишга соладиган ҳамда олинган даромадни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун сарфлайдиган субъектлардир. Улар иқтисодиётнинг барча субъектларига товар ва хизматларни етказиб беради.

Бу сектордаги иқтисодий бўғинларнинг асосий фаолияти шундан иборатки, улар товар ва номолиявий хизматларни бозор конъюктурасига кўра ишлаб чиқарадилар ҳамда ўзларининг харажатларини қоплайдиган ва маълум даражада фойда оладиган нархларда сотадилар. Булар ўз-ўзини моддий ва пул маблағлари билан таъминлайдиган, лекин айрим ҳолатларда харажатларни қоплаш учун бюджетдан ҳам ёрдам бериладиган корхоналар ҳисобланади. Булар қаторига турли хил мулкчилик шакллари асосланган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо-саноат палаталари, фойда олиш мақсадида ташкил қилинган турли хил бирлашмалар ва ҳоказолар киради. Уларнинг молиявий ресурслари ўзлари ишлаб чиқарган товар ва хизматларни сотишдан тушган пул маблағларига тенгдир.

Мамлакатимизда номолиявий ташкилотлар сектори ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни жуда каттадир. Шу сабабдан ушбу соҳанинг ривожланишига ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу хусусда Президентимиз Ислон Каримовнинг «Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилган. Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан», деган фикрларидан мамлакатимизда номолиявий секторнинг аҳамияти нақадар юқори даражада эканлигини англаш мушкул эмас¹.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳамда миллий валюта барқарорлигини таъминлашда молиявий ташкилотларнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам МҲТда молиявий ташкилотлар иқтисодиётнинг энг асосий ҳаракатлантирувчи бўғини сифатида тан олинади.

Молиявий ташкилотлар сектори иқтисодиётда асосан пул муомаласини тартибга солиш, назорат қилиш ҳамда унинг барқарорлигини таъминлаш билан шуғулланадиган иқтисодий бўғинлардир. Буларга банклар, кредит уюшмалари, суғурта муассасалари ва шу каби ихтисослаштирилган молиявий ташкилотлар киради.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг айрим мамлакатларида молиявий ташкилотлар сектори

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

таркибига кирувчи банк-молия тизимида олиб борилаётган нораціонал пул-кредит сиёсатининг юритилиши оқибатида молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасида номутаносиблик авж олмақда. Бу эса, ўз навбатида, айрим мамлакатларнинг ҳанузгача молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиб кетишларига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳозирги шароитда молиявий ташкилотлар сектори ичида банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан янгилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада мамлакатимизда ҳам ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир¹.

МҲТ-2008² халқаро андазасида марказий банклар турли функцияларининг улар хизматларини баҳолаш ва улардан фойдаланишга таъсирини аниқлашга уриниб кўрилди. Унга кўра бозор хизматлари бозор нархлари бўйича баҳоланади ва иқтисодийнинг барча секторларига кўрсатилиши мумкин, бироқ уларнинг асо-

сий истеъмолчилари бўлиб тижорат банклари ҳисобланади³.

Мамлакат иқтисодийнинг бир маромда ривожланиши, иқтисодийнинг соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланиши, аҳоли даромадларининг ошиши ҳамда иқтисодий ҳодиса-жараёнларнинг батартиб амал қилишида давлат бошқарув муассасаларининг роли жуда каттадир. Шу сабабли МҲТда давлат бошқарув муассасалари иқтисодийнинг ўзига хос алоҳида сектори сифатида қаралади.

Давлат бошқарув муассасалари сектори – фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодийни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган, ҳар хил бюджет ташкилотлари ва муассасалари сифатида намоён бўладиган бўғиндир.

Улар аҳолига бепул ёки имтиёзли нархларда якка ва жамоавий истеъмолни қондириш мақсадида нобозор хизматларини кўрсатувчи ҳамда мамлакат миллий даромадини қайта тақсимлашда иштирок этувчи муассасаларни ўзида бирлаштирадиган иқтисодий бўғинидир. Давлат бошқарув органлари сектори асосан давлат бюджетни ҳисобидан молиялаштирилиб, бошқариб турилади. Буларга давлат бошқаруви, молия бошқарувлари, иқтисодийни тебратадиган, режалаштирадиган, ички ва ташқи тинчлик, атроф-муҳитни муҳофаза қиладиган, соғлиқни сақлаш, спорт, санъат ва маданий муассасалар, марказий банк, ижтимоий суғурта ташкилотлари ва шу каби давлатга қарашли бўлган барча ташкилотлар киради. Уларнинг молиявий ресурслари асосан бошқа секторларга тегишли бўлган иқтисодий бўғинлар тўлаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига ҳамда ўз мулкidan келадиган даромад ҳисобига шаклланади.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийтимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.* // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

² 2008 йил қабул қилинган халқаро Миллий ҳисоблар тизимининг стандартлари (тахр.).

³ Мырзанов Б. 2008 йилги Миллий ҳисоблар тизими андазаларидаги таркибий ўзгаришлар ва уларни МДҲ мамлакатларининг статистикасида қўллаш истиқболлари. // «Иқтисод ва молия», 2015, 12-сон. -11-б.

Ушбу секторнинг энг асосий вазифаси иқтисодиётни тартибга солиш, унинг барқарор ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўлганлиги сабабли турли хил соҳаларда ўзига хос дастурларни ишлаб чиқади ва унинг амалиётдаги ижросини таъминлайди.

Аҳоли турмуш тарзининг сифат жиҳатдан яхшиланишида, уларнинг маънавий, маданий, сиёсий, диний ва шу каби бир қатор эҳтиёжларининг қондирилишида нотижорат ташкилотларининг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли МХТда ушбу ташкилотларга алоҳида эътибор қаратилади.

Уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари сектори – уй хўжалиқларининг айрим гуруҳларига бепул хизмат кўрсатадиган иқтисодий бўғинлардир. Буларга соғлиқни сақлаш, таълим, санъат ва маданий хизмат қилиш, диний назорат, дам олиш ташкилотлари, касаба уюшмалари ва бошқалар киради. Улар давлат томонидан молиялаштирилмайдиган ҳамда назорат қилинмайдиган ташкилотлар ҳисобланади. Бу ташкилотларнинг молиявий ресурслари турли хил хайриялар, уй хўжалиқларининг тўловлари ва мулклардан келадиган даромадлардан иборат.

Мамлакатда ялпи талабнинг шаклланишида уй хўжалиги сектори муҳим ўрин тутади. Айнан ўша сектор асосий истеъмолчи бўғин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам МХТда уй хўжалиги секторига катта эътибор қаратилади.

Уй хўжалиқлари сектори иқтисодиётда асосан истеъмолчи бўғин ҳисобланиб, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари учун ишчи кучи етказиб берадиган энг катта бўғиндир. Уй хўжалиқлари иш ҳақи, мулкдан даромад, қайта тақсимланган тўловлар ҳамда ўз хўжалиқларида ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишдан тушган маблағ ҳисобига молиялаштирилади.

МХТ-2008 халқаро андазасида уй хўжалиги секторининг ўзи ҳам алоҳида секторларга ажратилган ҳолда ифодала-

нади. Унда мамлакатдаги ишсизлар сони, аҳолининг ўсиш ёки камайиш суръатлари ҳам махсус усуллар ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади. Уй хўжалиги секторининг ахборот манбалари бўлиб корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи бўйича тақдим қилган ахборотлари, солиқ идораларининг ҳисоботлари, чакана савдо айланмаси ва меҳнат биржаларининг маълумотлари ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодий тараққиётида нафақат унинг ички омиллари, балки ташқи омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Айниқса, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи унинг «Ташқи дунё» билан ўзаро муносабатларига боғлиқдир. Шу сабабли «Ташқи дунё» билан амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар муайян даражада ҳисоб-китоб ишларини юритишни талаб қилади. МХТда ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида алоҳида сектор, яъни «Ташқи дунё» сектори муҳим ўрин тутади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, яъни «Ташқи дунё» сектори – ўз фаолиятида барча хорижий корхона ва ташкилотларни гуруҳларга бўлиб, улар билан бизнинг миллий корхоналаримизни иқтисодий томондан боғлайдиган иқтисодиётнинг ўзига хос бўғинидир. Бу секторнинг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг асосида ишлаб чиқариш корхоналари, молиявий муассасалар, давлат муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчилар ва уй хўжалиқлари ўртасида ҳеч қандай чегаралар бўлмайди. Ушбу секторнинг асосий вазифаси мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ўрнини белгилаш, ташқи иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш, жаҳон бозорини ўрганиш ва шу асосда ташқи иқтисодий сиёсатни юритишга ёрдам беришдан иборат.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг юқорида кўрсатилган секторларидан ташқари мамлакат ичидаги алоҳида ҳудудларни ҳам субъект сифатида ажратиб кўрсатиш

мақсадга мувофиқдир. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Улардан бири шуки, турли хил кўриниш ва моделларда мустақил субъект сифатида ҳудудий бозорлар аллақачон ўз ўрнини эгаллаган. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси ва ўсиш суръатларига ҳудудий омилларнинг таъсири кучлироқ ҳисобланади.

Шу билан бирга миллий иқтисодиётнинг самарали ривожланишида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг умумий солиқ тушумларида ҳудудий солиқ тушумлар улушининг сўнгги ўн йилликда ўсиб боришига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, «Минтақа» тушунчасининг кўп қирралигини инобатга олган ҳолда, унинг икки хил маънони англатишини кўриб чиқиш ва улардан қайси бирини амалиётда қўллаш лозимлигини аниқлаш зарур. Улардан биринчиси, дунёнинг йирик минтақалари (Европа, Осиё ва ҳ.к.), иккинчиси, нисбатан кичик минтақалар (Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва ҳ.к.).

Аслида дунёнинг кўпчилик мамлакатлари иқтисодиётининг самарали ривожланишида маҳаллий мулк, маҳаллий бюджет ва солиқ тушумларидан оптимал фойдаланиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, макроиқтисодий моделларда қўлланиладиган бешта субъектга (ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, давлат, «Ташқи дунё» ва ижтимоий институтлар) қўшимча яна иккита, яъни минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари субъектини киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки буни амалга ошириш натижасида нафақат такрор ишлаб чиқариш тизимидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур ўрганиш, балки иқтисодиётнинг минтақавий ҳамда маҳаллий даражадаги ҳодиса ва жараёнларини ифодаловчи янги, алоҳида секторлари вужудга келади. Бу эса ўз навбатида, миллий ҳисоблар тизимига

жиддий ўзгартиришлар киритишни тақозо қилади.

Масалага бундай ёндашув «Иқтисодиёт назарияси» билан «Минтақа иқтисодиёти» фанларининг ўзаро алоқадорлигини янада мустаҳкамлайди ва натижада иккала илмий йўналишнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 90-йилларида Россия иқтисодиётининг инқирозга учрашида ҳукумат томонидан мамлакатдаги алоҳида минтақа ва ҳудудларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги сабаб бўлди. Ҳозирги кунда Россия ҳукумати ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда бошқарувнинг самарали усуллари Ўзбекистон Республикаси тажрибасидан ўрганмоқда.

Минтақанинг бозор иқтисодиётидаги тўлақонли субъект сифатида тан олинишига оид бундай ёндашув мамлакат ичида ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ҳисобга олиш учун статистика тизимини сезиларли даражада ривожлантиришни тақозо қилади. Энди юқорида таъкидланган фикрларни янада аниқлаштиримиз. Минтақа иқтисодиёти ҳозирда ҳам, бундан бир неча йил илгари ҳам миллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан илмий йўналишнинг асосий йирик тармоғи сифатида тадқиқ қилинмоқда.

Булар қаторига ҳудудий меҳнат тақсимооти назариялари, минтақалар тараққиётини моделлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини такрор ҳосил қилиш усуллари ва улар ривожланишини прогнозлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш цикллари ва уларнинг амал қилиш қонуниятлари каби йўналишларни киритиш мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча, минтақавий иқтисодиёт назарияси бўйича мавжуд бўлган муаммоларнинг барчасини умумлаштириб, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги хўжалик юритиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва умумиқтисодий

томонларини алоҳида гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда асосий эътиборни минтақалараро ижтимоий-иқтисодий алоқалар бўйича юзага келадиган муаммолар (минтақалараро ишлаб чиқариш, товар алмашинув жараёнлари ва ҳ.к.) ва турли вилоятларда бозор муносабатларига ўтишдаги масалаларнинг солиштирма таҳлили кабиларга қаратиш зарур. Бундай муаммоларни ўз ичига қамраб оладиган ва уларни чуқур таҳлил қиладиган «Минтақа иқтисодиёти» назарияси бўлимнинг «Минтақалараро иқтисодиёт» деб номланиши илмий асосга эгадир. Худди шунга ўхшаб турли ҳудудларнинг экологик ҳолатини ўрганувчи «Ҳудудий экология назарияси» бўлимнинг ҳам «Минтақавий экология» деб номланиши мақсадга мувофиқдир.

XIX аср охири–XX аср бошларида оламда бўлиб ўтган аниқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли жаҳондаги мамлакатларнинг салоҳияти кескин ўзгарди, илгари илғор бўлган давлатлар 2-ўринларга (Англия, Франция), нисбатан қоқоқ бўлган давлатлар эса 1-ўринларга чиқиб олди (АҚШ, Германия). Худди шу даврда етакчи мамлакатларда эркин рақобатга асосланган иқтисодиётдан кўпинча монополистик иқтисодиётга ўтиш кучайди. Монополия кучайиши монопол фойда олишга имкон яратди ва иқтисодий-ижтимоий ривожланишга салбий таъсир қила бошлади. Шу сабабли антимонопол чоралар қўллаш ғояси илгари сурилди ва бу биринчи АҚШда рўй берди. Кейинчалик (ва ҳозирда) барча давлатлар бундай чорани қўллайдилар.

Антитрест сиёсати йўли билан иқтисодиёт устидан ижтимоий назоратнинг турлича метод (усул)лари қўлланила бошланди. Бунинг натижасида ана шу усулларнинг назарий асослари юзага келди ва ҳозирда ҳам мавжуд.

Иқтисодий таълимотлардаги институционализм йўналиши АҚШда XX асрнинг 20-30-йилларида кенг тарқалди. Бу йўналиш

номи лотинча «instituto» – урф-одат, кўрсатма, муассаса сўзидан олинган бўлиб, замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлиқ равишда рўй берди. Чунки бу даврнинг ривожланишини эркин рақобатга асосланган аввалги давр таълимотлари билан изоҳлаш мумкин бўлмай қолди.

Бу таълимот йўналиши вакилларининг фикрича, институтлар жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қиладилар. Бу тушунча асосида ижтимоий институтлар, масалан, оила, давлат, монополия, касаба уюшмалари ва бошқа муассасалар ётади. Бу йўналиш мафкурачиларининг фикрича, иқтисодий категориялар бўлган хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда, савдо ва бошқалар жамият руҳининг пайдо бўлиши шаклидир. Демак, улар объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлигини тўла тан олмайдилар ва жамоат руҳиятининг эволюциясини таҳлил этадилар.

Институционализм маълум маънода неоклассик йўналишга муҳолифдир.

Неоклассиклар бозор иқтисодиётини ўзини-ўзи бошқара оладиган (А.Смит фикри) тизим деб қарасалар (соф иқтисодиёт фани), институционализм тарафдорлари иқтисодиёт ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучлари моддий омиллар билан бирга тарихий контекстда қараладиган маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа омилларга ҳам боғлиқдир, деб ўйлайдилар.

Демак, бу йўналишнинг тадқиқот предмети сифатида ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга ноиқтисодий муаммоларни таҳлил этиш илгари сурилади. Шу билан бирга, тадқиқот объектлари, яъни институтлар биринчи ёки иккинчи даражали деб қаралмайди ва бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди¹.

Институционализмга хос бўлган услубий хусусиятлар қуйидагилардир:

¹ Аузан А. Приоритеты институциональных преобразований в условиях экономической политики. // «Вопросы экономики», 2012, №10.

1) неоклассикага хос абстракциянинг юқори даражаси ва айниқса, нарх назариясининг ортодоксал статик характеридан қониқмаслик;

2) иқтисодий назарияни бошқа ижтимоий фанлар билан интеграцияга интилиш ёки фанлараро ёндашув устуворлигига ишонч;

3) классик ва неоклассик назарияларда эмпиризм (тажрибага суяниш) етишмаслигидан норозилик, чуқур миқдорий тадқиқотлар ўтказишга чорлаш.

Институционал назария асосида бир қатор турли хилдаги мустақил концепцияга эга бўлган йўналишлар пайдо бўлди. Улар қаторига замонавий институционализм, неоинституционализм, эволюцион иқтисодиёт назариялари ва шу кабиларни киритиш мумкин. Замонавий институционализмда ҳукуматнинг таркибий тузилиши, ҳақиқий институтлар, яъни ташкилотлар фаолияти ва хўжалик юритиш тизими ўрганилади.

Неоинституционализм назарияси ижтимоий-иқтисодий тизим тараққиётига мулкчилик муносабатлари ва у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий меъёрларнинг таъсирини ўрганади, трансакцион харажатлар ва турли хилдаги шартномаларнинг иқтисодий томонларини тадқиқ қилади.

Эволюцион иқтисодиёт назарияси ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва технологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик ҳамда фирма хатти-ҳаракатининг оптимал стратегиясини ишлаб чиқиш масалаларини ўрганади.

Фикримизча, институционализм назарияси негизида биз томондан «патоинституционализм» деб номланган янги йўналишни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу илмий концепцияда асосий эътибор институционал тизим ва институтларнинг ўзида вужудга келаётган патологик (касаллик) жараёнларни ўрганишга қаратилади. «Патологик жара-

ён» термини грекча «патос» сўзидан олинган бўлиб, касаллик деган маънони билдиради. Охирги йилларда инқироз туфайли жамиятнинг турли қатламларида аҳолининг бошидан кечирган оғир кунларини ҳисобга оладиган бўлсак, «патоинституционализм» йўналишининг ривожланиши нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини тушунишимиз мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам фақатгина сўнгги 25 йилликнинг ўзида жаҳонда социалистик тизимнинг инқирозга учраши натижасида совет тизими, совет иқтисодиёти, ҳаттоки совет империясининг ўзи ҳам йўқолиб кетди. Олимлар XX асрнинг 80-90-йилларидаги совет иқтисодиётининг инқирозини 1929-1933 йиллардаги «Буюк депрессия»дан ҳам юқори даражада бўлган, деб таъкидлаганлар.

Бундан ташқари, 1998 йилдаги «август дефолти» номини олган Осиё бозорларидаги инқироз 2008 йилда бошланиб, ҳозиргача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, жаҳон иқтисодиёти ва турли мамлакатлар ҳамда миллий иқтисодиётнинг таркибий қисмлари ўртасидаги чуқур номутаносибликларнинг кучайиши, ҳаттоки, ҳудуд ва тармоқлар, алоҳида олинган корхона ва ташкилотлар даражасида ҳам мувозанатнинг бузилиши иқтисодиётда жиддий «касаллик» мавжудлигидан далолат беради.

Маълумки, бундай инқироз ва номутаносибликларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши институционал омиллар, қолаверса, яхлит институционал тизим билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам патоинституционализмнинг янги илмий йўналиш сифатида ривожлантирилиши асосида, бир томондан, бошқарув иерархиясидаги ўзаро боғлиқлик ва номутаносибликлар, иккинчи томондан, институционал омиллар, институционал йўналишлар ва ҳоказоларни ўрганиш ётади.

Бундан ташқари, патоинституционализмнинг яна муҳим хусусиятларидан бири – институционал тизимда, қолаверса, алоҳида институтлардаги юзага келадиган патологияларнинг турли хил шакллари ва кўринишларини ўрганишдир. Ўрганиш жараёнида юзага келадиган асосий муаммолардан бири бўлиб, «соғлом» ва «носоғлом» институтни бири-биридан фарқлашнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда мезонларини аниқлаш ҳисобланади. «Носоғлом» институтларга янгилаш ёки ўзгартиришни талаб қиладиган эски институтлар, иқтисодийни модернизациялаш ва ривожлантириш жараёнларига ҳалақит қиладиган ташкилотларни киритиш мумкин.

Бу хусусда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида ҳам таъкидлаб ўтдилар¹.

Фикримизча, «Носоғлом» институтларни маълум бир меъёрлар асосида синфларга ажратиш керак. Масалан, соҳалар бўйича – ижтимоий, ҳуқуқий, экологик соҳалардаги «носоғлом» институтлар.

Патоинституционализм назарияси институционал муҳитда, қолаверса, алоҳида институтларда юзага келиши мумкин бўлган «касалликлар»га ташхис қўяди ва унинг олдини олишга ёрдам беради. Шундан келиб чиққан ҳолда аниқ айтиш мумкинки, патоинституционализм институционализм назариясининг асосий концепция ва йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Манба: <http://uza.uz>

Институционализм асосчиларидан бири Торстейн Веблен ва унинг тарафдорлари иқтисодий жараёнларга психологик жиҳатдан ёндашиб, иқтисодий ривожланишнинг психологик назариясини яратишга интилдилар. Веблен ўзининг «Бекорчи синфлар назарияси» (1899) асарида унга замондош бўлган жамиятни жуда қаттиқ танқид остига олди. Капитализм иллатлари мавжуд хусусий мулк билан тушунтирилади. Хусусий мулкнинг танқид қилиниши албатта буржуазия мафкурачиларини ҳам ташвишга солди. Унингча, хусусий мулк, айниқса рантье (абсентеистик мулк) борлиги туфайли аҳолининг маълум бир қисми паразитик ҳаёт кечиради².

Бизнес олами деганда у молиячилар, трест ташкилотчилари ва тадбиркорларни тушунди. Унингча, бизнес имкони борича юқори фойда учун интилади ва шу сабабли уни беаёв танқид қилади, чунки турли молиявий ва кредит найранглари, турли акционерлик жамиятлари тизими туфайли саноат унга тўла бўйсундирилган. У тадбиркор ва ишбилармонларни ижтимоий-иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилувчи ва касаллик тарқатувчи субъектлар сифатида тасаввур қилади. У томонидан айтилган фикрнинг тасдиғини айрим МДХ мамлакатларида кузатиш мумкин.

Уларда ўзларига тегишли бўлмаган, умумхалқ мулки бўлган табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эмас, балки ўз шахсий эhtiёжларини қондиришга йўналтираётган «бизнесмен»ларни кўришимиз мумкин.

МДХ мамлакатларида фаолият олиб бораётган баъзи давлатлардаги тадбиркорлар асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий эскириши 100%га яқинлашиб қолган бўлса-да, ўз даромадларининг аксарият қисмини ишлаб чиқаришни кенгайтириш,

² Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: «Прогресс», 1984.

модернизация қилишга эмас, балки бошқа эҳтиёжлар учун сарфлашди. Бу эса замонавий институционал тизимнинг патологик белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай ҳолат иқтисодийни модернизация қилиш ва инновацион жараёнларнинг самарадорлигига жуда салбий таъсир кўрсатди.

Шу ерда бундай ҳолатга қарама-қарши бўлган яна бир далилни кўришимиз мумкин. Масалан, Норвегия XX аср бошларида Европанинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири эди. Ҳозирги кунда эса (орадан юз йил ўтгандан кейин) аксинча, Европанинг энг бадавлат, аҳоли турмуш даражаси жуда юқори мамлакатларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби Норвегиянинг ўз табиий ресурслари, аниқроғи, ўзининг нефть маҳсулотларидан келадиган даромадлардан самарали фойдаланишидир. Ушбу даромадлар тўғридан-тўғри давлат бюджетига тушади ва улар келажак авлод вакиллари фойдаланишлари учун жамғариб қўйилади. Бундан кўриниб турибдики, Норвегияда ушбу масала билан боғлиқ бўлган муаммолар билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари томонидан олиб бориладиган чора-тадбирлар бошқа мамлакатлардагидан анча фарқ қилади ва самаралироқдир.

Бинобарин, ушбу далил давлат мулкнинг самарасизлигини исботлашга ҳаракат қилувчи фикрларнинг нақадар нотўғри эканлигини яна бир маротаба тасдиқлайди. Чунки йирик кўламдаги хусусий мулкчилик ҳам ҳар доим самарали бўлавермайди.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи стратегик механизм ва воситаларни иқтисодийнинг хомашё ва тайёр маҳсулот етказиб берувчи йирик тармоқлар фаолиятини қаттиқ назорат қилиш ва бошқаришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътиборни экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи субъектларни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратиш зарур.

Мамлакатда иқтисодийни модернизация қилиш жараёнларининг кучайиб кетаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу чора-тадбирларни айнан ҳозирги кунда амалга ошириш керак. Бу мамлакатда яратилган даромадларнинг сезиларли қисмини хомашё етказиб берувчи тармоқдан иқтисодийни модернизация қилиш жараёнларига йўналтиришга олиб келади. Бундан ташқари, иқтисодийни модернизация қилиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, ривожланган мамлакатларда модернизациялаш жараёнлари давлат томонидан жуда қаттиқ назорат остида ташкил қилинган ва бошқарилган, яъни ташаббускорлик алоҳида олинган корхона ёки фирмалардан эмас, балки давлат бошқарув ташкилотларидан чиққан.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда хўжалик юритиш механизмларига қўшимча равишда индикатив режалаштиришни амалга оширувчи институтларни ҳам амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Индикатив режалаштириш Франция, Жанубий Корея, Япония ва шу каби бир қатор ривожланган мамлакатларда ўз самарасини берди. Ҳар қандай мамлакат у ёки бу шаклда ўзининг келажакдаги иқтисодий тараққиётини таъминлаш йўлларини олдиндан прогноз қилишга муҳтожлик сезади. Шунинг учун ҳам қандайдир шаклда иқтисодий тараққиёт йўлини режалаштирмасликнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Буларнинг барчаси мамлакатда иқтисодийни модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигини оширади. Бу ерда гап собиқ иттифоқ давридаги маъмурий-буйруқбозлик тизимига қайтиш тўғрисида кетаётгани йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Ривожланган мамлакатларнинг ЯИМда давлат улуши 15-20%, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 35-55%, йирик бизнес улу-

ши эса 30-50% га тўғри келади. Айнан мана шундай нисбат мамлакат иқтисодиётининг самарали амал қилиши ва ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари ва мезонлари ҳамда миллий хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқаришда давлат

ва нодавлат улушининг чегаралари белгилаб қўйилган. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти ривожланишининг узоқ муддатли, эволюцион тарзда амалга оширилиши натижасидир. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг XXI асрда ривожланган мамлакатлар қаторига киришига имконият яратади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. // Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Манба: <http://uza.uz>.
3. Аузан А. Приоритеты институциональных преобразований в условиях экономической политики. // «Вопросы экономики», 2012, №10.
4. Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: «Прогресс», 1984.
5. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана. / Под ред. Л.И.Абалкина, А.Ф.Расулева, Д.Е.Сорокина, А.Х.Хикматова. – М.: ИЭ РАН, 2003.
6. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория. Учебник. / Под ред. А.Аузана. – М.: «ИНФРА-М», 2005.
7. Маршалл А. Основы экономической науки. – М.: «Эксмо», 2007.
8. Силегмен Б. Основные течения современной экономической мысли. – М.: «Прогресс», 1968.
9. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. / А.Ф.Расулевнинг илмий таҳрири остида. – Т.: «Konsauditform-nashr», 2011.
10. Мырзанов Б. 2008 йилги Миллий ҳисоблар тизими андазаларидаги таркибий ўзгаришлар ва уларни МДҲ мамлакатларининг статистикасида қўллаш истиқболлари. // «Иқтисод ва молия», 2015, 12-сон. -11-б.